

ISSN 2010-5517

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publisistik jurnal



Mart - 2014

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН МАТВОУТ
ВА АҲБОРОГ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН
ҶЕЗУЧИЛAR
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА
МАЛНВАЙТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

1997 йил июндан
чиқа бошлаган

№ 3

2014 йил, март

Бои мухаррир:
Шуҳрат РИЗАЕВ

Жамоатчилик кенгаси:
Эркин ВОХИДОВ
Абдулла ОРИПОВ
Омонулла ЮНУСОВ
Муҳаммад АЛИ
Муҳаммаджон ҚУРОНОВ
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Низом КОМИЛОВ
Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ
Хуришид ДЎСТМУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати:
Омонулла РИЗАЕВ
(масъул котиб)
Амир ФАЙЗУЛЛА
Назира ЖҮРАЕВА
Музaffer АҲМАД
Дилдора АЛИЕВА
Алимурод ТОЖИЕВ
Шаҳноза НАЗАРОВА
Севара АЛИЖОНОВА

МУНДАРИЖА

Алишер НАВОЙЙ. Шоҳбайтлар.....3

ИАСР

А.ГАЙГЕР. Қувингидаги кекса қирол.
Қисса. (Немис тилидат Мирзали Акбар-
роғ тарж.).4
Т.ДРАЙЗЕР. Сармояндор. Роман. (Рус
тилидат Амир Файзулла тарж.).48
М.ГОРЬКИЙ. Ҳикоялар.....39
Л.ГОДЕ. Мозамбик кечасида. Ҳикоя.
(А.Қосимов, С.Хўжинов тарж.).122

ГЛОБУС

АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ

Африка: кеча, бугун, эргага.....105
Африка шेърияти.110
Африка ҳикоялари.....134
Унтуилмас сиймолар.....147

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

Жўра ХУДОЙБЕРДИЕВ. Миллион-
миллион шамнинг шуъласи
(О.Шарафиддинов билан сұхбат).158
Марло Варгас ЛЬОСА. Мутолаа ва ада-
биёт васфи.163
Маъмур УМАРОВ. Театр санъати қои-
далари.....174

ҚИЁС ВА ТАЛҚИН

Абдугафур РАСУЛОВ. Оби хаёт.....183
Ойбарчин АБДУЛҲАКИМОВА. Бади-
ятнинг икки буюк обидаси.....188
Фаррухбек ОЛИМ. “Ҳамсат ул-мута-
хайирин” ва Абдураҳмон Жомий....193
Одишабону ҚУЛМУРОДОВА. Күш тили
тилсимлари.....199
Муқовамизда204
Тақвим.....205



БАДИЯТНИНГ ИККИ ОБИДАСИ

Дунё адабиётида шундай ҳодисалар бўладики, баъзан бошқа-бошқа миллатларга мансуб буюк ижодкорлар бир-биридан бехабар ҳолда ўзаро ўхшаш мавзуларда асарлар яратади. Энг қизиги,

бунда мавзунинг ўзаро яқин экани ҳар икки асарнинг оригиналлигига заррача бўлсин халақит бермайди. Ҳеч бир жиҳатдан улар бир-бирини тақорламайди. Бунинг сабаблари, бизнингчча, қуидагилардир: 1) ҳар бир ижодкор услубининг ўзига хослиги; 2) мавзуга ёндашув мезонларининг фарқланиши; 3) поэтик тасвирдаги индивидуаллик. Ушбу адабий-эстетик ҳодисанинг яна бошқа тури – бир ижодкорнинг иккинчисида таъсирланиши натижасида ҳам мутглақ муқаммал, оригинал асарлар дунёга келиши мумкин. Бундай асарларни қиёсий ўрганиш бадиий адабиёт сирларини, шунингдек, ижодкор руҳиятини англашда алоҳида аҳамиятта эга. Оврўпо Ўйониш адабиётининг асосчиси Данте Алигъерининг “Илоҳий комедия” ва ўзбек шоири Абдулла Ориповнинг “Жаннатга йўл” драматик достонлари худди шундай асарлар сирасига киради. Аммо бу икки асар аро умумий ва хусусий жиҳатларниң майдонга келиш жараёнлари тамомила ўзгача қонуниятлар маҳсулики, мақолада имкон қадар шу масалага диққат қаратишга уринамиз.

Бу асарлар муаллифлари инсон руҳиятини қанчалик теран очиб бергани мутахассисларга маълум. Улкан адилларнинг, улуг шоирларнинг, катта истеъдод эгалари нигоҳининг нақадар ўткирлиги жамиятдаги ҳодисаларни бадиий асарга кўчирганда улар замиридаги яширин ҳақиқатларни қанчалик нозик ҳис этиши, бу воқеаларни синчилаб таҳлил қила билиши, улардан бадиий умумлашмалар чиқара олиши билан ҳам белгиланади. Бу икки асарни ўзаро қиёсий ўрганиш ана шу жиҳатдан ҳам зарур.

Қисқача мазкур асарларнинг ўзбек олимлари томонидан ўрганилиш тарихи ҳақида. Профессор Нажмиддин Комилов “Тафаккур карвоилари” (Тошкент, “Шарқ”, 2011) китобида Ибн Сино ва Данте ҳақида тұхталиб ўтади. Данте ҳақида фикр юритар экан, олим: “У Шарқ ва Гарб маданияти окимини бирлаштириди, умумбашарий меросини қабул қилиб, уни янги юксак бадиий чўққига олиб чиқди”, дея таъкидлайди.

Абдулла Орипов Данте Алигъерининг “Илоҳий комедия” (1975) асари “Дўзах” кисмини ўзбек тилига таржима қилди. Ушбу асарнинг ўзбек халқи маънавий мулкига айланишида ана шу таржиманинг ўрни бекиёс. Шоир “Дантенинг безовта руҳи” мақолосида (1983) улуг италян адаби ватанига саёҳати натижасида одам ҳамма жойда ҳам одам экани, шафқатсиз тузум, бойликка ҳирс, шұхратпастлик ва қашшоқлик шундайлигича ҳам ишлатлардан холи бўлмаган инсон руҳиятини вайрон қилиши, одам боласини ёвуз бўрига айлантириб қўйиши ҳақидаги хulosаларини изҳор этар экан, Дантели ҳам худди шу каби ўйлар қийнаганини ёзади (А.Орипов. Танланган асарлар, 4-том).

Акмал Саидов “Данте – юрист” (Тошкент, “Адолат”, 2011) китобида ижодкорнинг хукукий қарашларини таҳлил этиб берди. Изланишлари натижасида олим мана бундай тұхтамга келади: “Данте адабиёт тарихида

мәншүттүм ва машхур, лекин мән Дантенинг бутун кайта иззизиниң түбестестан хукук мавзуудаги трактет ва башка ишләри яхши ўрганилмагани бөлсөн, жаңон юриспруденцияси күп нарасаны бой берганини айтмохитиман”.

Улуттубек Сайдовнинг “Шарқ ва Ўзбек: маданияттар туашкан маколалар” (Тошкент, “Янги аср автоши”, 2006) китобида Данте фалсафасыда инсон талкини муаммосига зытисор көркүлдөзи. Китобда, жумладан, мазмур буюу шахс хаёти, шоир ижодида Илохий түшүнччатель тализини, алгома фалсафий-адабий меросининг ахамияты хакика хам фикр юритилган.

Абдулла Ориповнинг “Жаннат а йўл” постони жуда чукур ўрганилмаган бўлса-да, бу асар хақида хам бир неча маколалар ёзилган, муроҳазалар билдирилган. Узок Жўракулов “Армон талиннари” маколасида достондаги Йигитнинг висоли насиб бўйича жаннатманин инсан хузурини армон билан тарж этиши хусусида ёзар экан, муҳим умумланышлар чиқаради. Она хузурига кайтиш учун гунохлардан пок бўлмок талаб үзилиши, бунинг учун шоиргина эмас, жамият хам комил бўлиши зарурлиги. Йигит армонининг сўнгизлиги сабаби шунда экани хакидаги олим хулосалари, айниқса, ахамиятлайдир.

Шоир Сирожиддин Саййиднинг “Ростини айтсан, кўсимдаги дилим янги” маколасида асар хусусида куйидагича муроҳаза билдириллади: “Бу достон воеаларни диний ақидалар асосига куриши, ажойиб ғоятларни тараннум этиши, таъсири тимсоллар вужудга келтирилиши билан зытиборни торгади. Ўкувчи ва томошабинга охир-оқибатни ўйлатади”.

Акрам Хамдамовнинг номзодлик диссертациясида (2011) шоир шеърияда, жумладан достонларида халқона поэтик тафаккурнинг ифода этилиш усуллари, ушбу муаммонинг бадиий талкини хусусида зытиборга молик фикрлар билдирилган.

“Абдулла Орипов хақида” (2011) номли маколасида Дониёр Бегимзулов: “Шоирнинг бу драматик достони даврининг бадиий-эстетик моҳияти тагзаминли ижтимоий, гоявий йўналишдан туриб пухта таҳлил этилганлиги, юксак бадиий пафоси билан ўзбек достончилигида муҳим ютуқ бўлди”, дея зытироф этади.

Бу сингари бир канча тадиқотлар, маколалар зылон килинган бўлишига карамай, Данте Алигьериининг “Илохий комедия” ва Абдулла Ориповнинг “Жаннатта йўл” достонлари ўзбек адабиётшунослигига ханузгача тўлаконти ўрганилган эмас. Уларнинг киёсий таҳлили эса мутлако аматга оширилмаган. Шунинг учун хам ана шу икки улкан бадиий ходисани бир-бири билан киёслаб ўрганишга жазм киёндик.

Бу икки бадиий обиданинг яратилиш тарихи хақида. Муҳтасар тўхтадиган бўлсан, шуни таъкидламоқ лозимки, “Илохий комедия” Данте Алигьери ижод этган асарларининг бадиий ва гоявий жиҳатдан энг юксаги хисобланади. Шоир бу асарини дастлаб “Комедия” деб атаган. Асар гаржимони Абдулла Ориповнинг ёзишича: “...бу асар воеалари кўринишдан “нариги дунё” да кечса хам, унинг марказида хақиқат ахтарган жағоқаш инсон, иқболи нигун дохий санъаткор образи турибди. Шунинг учун бўлса керак, бу асарни “Дантенома” деб хам атасади. “Илохий комедия” ёзилган даврларда, комедия ҳозиргилик күпти аралаш саҳна асарини эмас, балки умуман бадиий шаклни, хусусан, йирик шеърий лавҳаларни хам англатган. Кейинги асрлардагина Бокаччию уни кайта нашрга тайёрлаётib, “Илохий комедия” деб атаган”. Бундай номланишига сабаб, асарининг бадиий жиҳатдан мукаммаллиги; инсонни хаёт ва ўлим, яъни охират хақида фикр юритишга ундашибидир. Асар “Дўзах”, “Аросат”, ва “Жаннат” деб номланган уч кисмдан иборат. Ҳар бир кисм 33 та кўшикдан ташкил топган. Биринчи кисмдаги дебоча билан умумий 100 кўшикдан иборат. Унда муаллифнинг устози Вергилий кўмагида охиратта килган саёхати тасвирланади. Дантенинг бундай асар яратишига сабаб муҳаббати бўлмиш Беатриченинг барвакт ўлимишидир. Бу йўкотишидан у каттиқ таъсириланади, шундан сўнг хаёт ва ўлим тўғрисида фалсафий фикр юрита бошлайди ва “Илохий комедия” асарини дунёга келтиради.

“Илохий комедия”даги сингари “Жаннатга йўл” достонида ҳам воқеа-ҳодисалар оҳиратда содир бўлади. Устоз Абдулла Орипов билан сұхбатда “Илохий комедия” қаҷон гаржима қилингани ва “Жаннатга йўл”нинг ёзиши санаси билан қизиқдик. Устоз бу ижодий жараён деярли бир вақтда содир бўлганини айтди. “Жаннатга йўл”ни ёзишида “Илохий комедия”дан таъсирланганмисиз?” – деган саволга эса ижодкор: “Илохий комедия” шундай буюк асарки, ундан таъсирланмаслик мумкин эмас” – деб жавоб берди. Шунинг баробарида, муаллиф “Жаннатга йўл”ни ёзишида муборак бир ҳадисдан таъсирлангани ҳакида сўзлаб берди. Бу ҳадис мазмунига кўра, оҳиратдаги ҳисоб-китоб вақтида инсонга ота-онаси ҳам, бошқа қариндошлари ҳам ёрдам бера олмаслиги, фақат ҳақиқий дўстгини унинг оғирини снгил қилиши мумкинлиги зикр этилган экан. Бундан “Жаннатга йўл”нинг асосий ғояси ана шу муборак ҳадис таъсирида туғилгани маълум бўлади.

“Илохий комедия” Европа адабиётига хос ҳар бир банди уч мисралик анчайин мураккаб шеърий шакл – терцинада ижод килинган. Абдулла Орипов эътирофича, “...терцинада уч қатор баравар келаверади. Лекин уч қатор баравар бўлгани билан қофиялар занжир бўлиб, бир-бири билан боғланиб кетаверади. Шарқ мумтоз адабиётидаги аruz вазнининг бузилиши қанчалик сакта бўлса, бу ерда терцинанинг бузилиши ҳам шеърий жиноятга айланиб кетиши мумкин”. Куйидаги фикр эса, таржимоннинг қанчалик заҳматли меҳнатни амалга оширганини ҳис этиш имконини беради: “Асарда агар бир сатрнинг иккинчиси билан қофияси бузилса, шу иморат таг-туғи билан нураб кетади. Занжир узилади! Мен бу билан кагта бир ишни бажардим, деб айтишини хоҳламайман. Лекин воқеликка объектив баҳо беришим керак”.

Бадиият – бу, биринчи навбатда, бекиёс рамз ва тимсоллар дунёси, охорли образлар олами демакдир. Ҳар икки асар рамз ва тимсолларга бой. Энг эътиборли жиҳати, улар бу жиҳатдан ҳам бир-бирини зинҳор такорламайди.

*Ердаги умримнинг ярмини юриб,
Зулмат водийсида адашиб қолдим.
Боқсан, бир ўрмонга кетибман кириб.*

“Илохий комедия” ана шу мисралар билан бошланади. Бу асарда бош образ Дантенинг ўзи. Унинг ўрмонда адашиб қолишида Италиянинг ўша давр ижтимоий-сиёсий мухитига ишора бор. Умуман олганда, асарда ўрмон – бу биз яшаб турган ҳаёт, яъни фоний дунё рамзи ўлароқ намоён бўлади. Данте ҳаётда шу қадар адашдимки, бундан кўра ажал ҳам яхши эди дейди:

*Даҳшатларга тўла ўрмон эди у,
Эсдан чиқаролмай неча йил толдим
Ҳатто ажсал ундан туюлгай эзгу.*

Баланд тоғдан тушиб келар экан, шоир олдидан қоплон, арслон ва қашқир чиқиб, йўлини тўсади. Бу уч ҳайвон – асарда нафс рамзи сифатида келган. Қоплон – соҳтакорлик ва сотқинлик тимсоли бўлса, арслон – мағрурлик ва зўравонлик; қашқир эса, очкўзлик ва такаббурлик рамзларидир.

Зулматда қолган Дантенинг қаршисидан устози Вергилий чиқади ва уни бу коронғиликдан олиб чиқажагини, Дўзах ва Аросатдан олиб ўтажагини, Жаннатга эса Беатриче орқали етишишини айтади.

Асарда Вергилий – йўлбошли, пир тимсоли. У ўз шогирдини Жаннатга эришиши учун зарур бўлган босқичлардан олиб ўтишини таъкидлайди. Беатриче эса – илохий ишқ рамзи. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида Мажнун Лайлининг тимсолида Аллоҳнинг васлига интилади, бу йўлда турли босқичларни босиб ўтади. Шундан келиб чиқиб, Дантенинг муҳаббатини ҳам икки томонлама изоҳлаш мумкин. Биринчиси, мажозий ишқ бўлиб, Данте ҳаётда чиндан ҳам Beatrichen севади ва унинг ўлимидан

жеткілек ажырапта тұнады. Негізгісін мөмкіншілік болып, көптеген гимназияда Аспарушиев ақынша жөнінде азыраға тулыға Аспардегі деңгельде тұмны аса, биесіндеңгечка инсертінде туғыз көтіле білгендердің ата-коғашынан жағынан көрінінде көзінде. Яғын деңгельдар – бүл деңгелде жеткіліктің дәнгелілер.

"Жазынта ғұл" достоиншың рикшасы за гимназиялар табиғатында жеткілік. Ертегінде "Мистер комедия" драматига ұчынады да Аспардегі Гарембаса – жаңа шырым түгүшесінде чөрнеш тәмсемдегі. Динамикалық шыбыншының сипаратын үшоку сағобай мерекендегі өзінің гармоникалық шығармасынан жақтап тұнады бирок күнделік тирада барыңдың бұл көрініштің деңгелінде. Біздемі Аспар бүрганға үчүн ылым "Жазынта ғұл" да будадай тәмсемдегін күтілеңдік өтмелде. Аспарда тиражибаса жеткілік әлемнің жағдайында, халық бириккесінде күнделік деңгеле жасақтауда көзінде ырсылдың өзіндеңде оларда. Жұсталады. Үстінде олар Гарембаса титрилік жағында, дегенде гимназияларда шығады бүтіншіндеңде.

*Ег өзекін түр. Истанға тұма? Жазынта ғұл да ғұл
Тәмса бәсіб құйғасын әкен сезеде Студент
Сөздең жағында әркестелді Аспардан бүсінен түр.*

Ұтға ошам – умрилар бесемшір үткәвейтінде, еді үзінга, за жеміннің зирға откездің көтілеңшілар тәмсемдегі. Габибоғынан, умниң күштінин сәләмейттікінде. Аспарда үтға ошам күйіннегін сабиғи әжі шұнады. Ұтға ошам – енди үшін емдеңтес үзілік бу тоғғағанылар үстіндегі тәжірбада постит жақса.

Хүр төз – зағасындағы тәмсемдегі. У мансарда екіншінде үчүнде күнделік шиғармасында, ал жүтілдегі әлемнің салдарынан екіншінде жақтады маса-шынан борнагынан шаштыңған үттік. Оны тәмсемдегі әйтілген шыға бу мансаралар фильтрлескен тәсдікелі болып.

*Нұр жынынға тәрікесін жүрдір бүтен.
Уткыстаңда біл бармаса, қысмет бүнен де
Баяндағы жүрә сонда шашкана үчүн
Бүтін көмінде бұна бір тұра бұлжылдың күдә.*

"Батысшынан жүрә спектакль" – уақыттардағы көзегінде буекей күнінде шарқорна үршүсінде көлөп. Шүңделде деңгелде Аспаренің бу жағдамасында шыға бұлжыл білінбегінде: "У дүйнөсің көрің."

"Мистер комедия" да "Жазынта ғұл" аспарларданғы рамз за гимназиялар ушінде жеткіл. Уларға үткениң же көзіндең білімшесе-да, күр-бери үткениңде үзілік мансар-мансарында да. Хар иккіншінде Аспар үткениңде көзіндең барыңшының тәжірбесінде Шарқ мұтиғасынан да Ибэ Сиси, Ибэ Руан шебін буюқ сабомынан да яна Шехер. Афлотта, Сүрәт Демократ Герасимті, Гиппократ шебінде үткениңде шәкіндердің бірнеше әдебиесінен жағындағы көзіндең барыңшынан да тәсілінде шығарылған.

Аодурда Орлов зеке Ұтға ошамнан Ароғашты, йигиттер Дүнизаң ст-өңесінен Жазынтаң тәсілдерінде. Бұлда у мансар сабомынан Күркөнгө жарынан да жибиси шарығға тәжірбесінде. Иккіншінде әншіштің азыраға түсінгенде барыңшының Анончиков, Шарқ және Гарб мәстаданынде жем буюнда үзіндең көзіндең көзіндең деңгелде жүзегін.

Яңы бер мұштарат жиғетін, иккінші аспаренің жем бос жасынан да үзіндең мансарынан жиғетін жиғети биленесе деңгелде. Улардың тәбиғи тәжірбадан күнінде олар боладардың шығындық беруши меншігінде сарғынмасынан, дүнән да озаретінде обол жиғиш жасады және үзіндең көзіндең көзіндең көзіндең деңгелде жеткілікпен. "Жазынта ғұл" достоиншың үшінде мансар-мансардағы тәмсемдегі үткениңде Аспардан жасағаннан кейінде.

ЖАҚОН АСАВИЕТІ

бир мўйсафид чол етти марта ҳажга борган, бор-йўғи бир мартагина отасини сансирагани учун унинг аслида савоб саналган бу амали қабул бўлмаган. Шоир бу орқали инсон ҳар қанча савоб ишларни қилмасин, ота-онасими хурмат килиб, уларнинг розилигини топмаса, унинг амали беҳуда кетиши хақидаги машхур ҳадиси шариф мазмунига ишора қиласди. Асардаги Узга одам қисмати аянчли: у на гуноҳ ва на савобга қўл урган. Аросатга тушиши сабаби шунда. Зеро, одам болалари ўзга жонзотлардан ақлу тафаккури билан ажralиб туради. Шу боис у азиз умрини имкон даражасида эзгу амалларга сарфламоги керак – бу образ замирига сингдирилган маъно, муаллифнинг бадиий нияти – ана шу.

Жаннатга киришига икки пайса ётмаган Йигит образида ҳам ибрат олиш зарур бўлган жиҳатлар талайгина. Жумладан, у бировга ёмонлик қилмаган бўлса ҳам, товламачи, текинхўр инсонларни кўра билиб туриб, уларни йўлдан қайтармаган. Бундай лоқайдлик, табиики, жазосиз қолмаган. Инсон – энг буюк хилқат. Шу боис у умрнинг ҳар бир лаҳзасини эзгуликка сафарбар этиши зарур. Бу эса, ўз навбатида, уни икки дунёда азизу мукаррам этади – Йигит қисматидан муаллиф чиқарган поэтик холоса ана шундай.

*Бир қария ётар эди менинг ёнимда,
Уғли унинг тепасига қўйди улкан тоши.
Бироқ бир кун иблис кирди ўғил қонига,
Ўғил бир кун таъмасини айлаб қўйди фоши:
Кабр тошда ўзин исми ёзилмай қолмии,
Сангтарошни олиб келди бир кун у нокас
Ва ўз исмин ўйдирди ҳам, бу савоб эмиши,
Йўқ бу савоб атамлагай, манманлик, холос.*

Ота қабрига тош кўйгач, сангтарошни олиб келиб, ўз исмини ўйиб ёздиранг англи хусусида ёзар экан, муаллиф “унинг қонига иблис киргач, у таъмасини фош этгани; бу савоб эмас, манманлик” экани хусусидаги бадиий ҳукмни чиқаради. Унинг бу тошни кўрган инсонлар фалончи азamat кўйдирган экан дейишини исташи, отасини эмас, ўз обрўсини ўйлаши хақидаги мисралар ўкувчини чуқур мушоҳада юритишга чорлайди. Шоир Ота номидан, кўярпсанми, инсон зоти манманлиги йўлида ҳатто ўлимдан ҳам фойдаланади, деган бадиий умумлашма чиқаради.

*Қабристондан ўтиб қолган бирорта кимса
Ҳашаматли мармар тошни куриб қолган он,
О, бу тошни кўйган фалон азamat деса,
Ота эмас, ўз обрўсин билган у инсон.*

Юқоридаги мулоҳазалардан холоса қилиш мумкинки, Данте Алигьерилининг “Илохий комедия” ва Абдулла Ориповнинг “Жаннатга йўл” асарлари том маънода мураккаб ва зиддиятли жараён – ўзликни англаш йўлини ўзига хос бадиий талқини ўлароқ ижод этилган. Мавзу бир қадар яқин бўлишига қарамай, қўлланган рамз ва тимсоллар моҳияти, поэтик талқин, муаллифлар бадиий нияти ва ижодий услуб нуктаи назаридан бу икки асар бир-биридан кескин фарқ қиласди. Бу икки буюк бадиият обидасини ҳар жиҳатдан мукаммал қиёсий ўрганиш адабиётшунослигимизнинг галдаги вазифалариданdir.

Ойбарчин АБДУЛҲАКИМОВА
ЎзМУ талаботи

